



Министерство  
здравоохранения  
Республики Узбекистан

Самаркандский  
государственный  
медицинский институт

Кафедра фундаментальных  
дисциплин Самаркандского  
государственного  
медицинского  
института

# ПРОГРАММА КОНФЕРЕНЦИИ

Международная научно-практическая конференция  
**РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕДИЦИНСКОМ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ  
ДИСЦИПЛИН И КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Самарканд-2021  
6-7 мая

**ОБЩАЯ ИНФОРМАЦИЯ  
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ КОНФЕРЕНЦИИ**

**ПЛЕНАРНОЕ ЗАСЕДАНИЕ**

**Online-платформа мероприятия**

<https://us02web.zoom.us/j/81478649558?pwd=Z21iM2xnTjl4L28zSHduMGo4NDlNOT09>

**Идентификатор конференции: 814 7864 9558**

**Код доступа: Sam\_2021\_1**

**РЕГИСТРАЦИЯ УЧАСТНИКОВ КОНФЕРЕНЦИИ**

Стойки регистрации работают 6 мая с 8:30 до 10:00

**НАУЧНАЯ ПРОГРАММА**

**Пленарное заседание**

**Работа секций**

**СЕКЦИЯ №1.** Инновационные технологии в практике образовательного процесса нормальной анатомии, гистологии, цитологии эмбриологии, микробиологии, вирусологии, иммунологии

**СЕКЦИЯ №2.** Инновационные технологии в практике образовательного процесса патологической анатомии, патологической физиологии

**СЕКЦИЯ №3.** Инновационные технологии в практике образовательного процесса клинических дисциплин

**Мастер классы**

- ✓ Роль интерактивного анатомического стола Пирогов в преподавании предметов анатомии человека и клинической анатомии
- ✓ Использование современных технологии при изучении предмета микробиологии
- ✓ Проведение успешного практического занятия с использованием интерактивных методов обучения

**Подведение итогов и закрытие конференции.**

**«Педагогические и психологические особенности развития,  
формирования и становления личности врача»**

хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажлодлар анъаналари, таълим-тарбиянинг фаол таъсири остида аста-секин шакллана боради. Таълим-тарбия ўзгаларнинг маънавий таъсири остида инсон ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради ёки «ёмон дўстлар» яъни салбий одатлар соҳибига айланади.

Ўқувчиларни умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, бу ёш авлоддан миллий ғоя асосидаги тафаккур , чуқур билим ва ижтисодиётни талаб қилмоқда. Унинг негизи миллий кадриятларимиздир. «Янгича яшаш, озода ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт куриш туйғуси эса ёш авлод олдига кекса авлодга қараганда масъулиятлироқ вазифаларни қўймоқда. Хусусан, оғир ва тафаккур ҳамда маънавий кадриятлардаги ўзгаришлар ҳаёт талабидан орада қолаётганлиги маънавий салоҳиятдаги қуруллар билан боғлиқдир.

Кадриятлар - жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунча. Кадрият деганда - инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миддат, элёт ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим. Кадриятлар ижтимоий хусусиятта эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Умуминсоний кадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар кирди. Улардан энг асосийлари ер юзида илм фанини тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядровий қуроолларнинг пойғасини тўхтатиш, халқаро ҳафсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом шисси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, конъюнги ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар кирди.

**ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ ТАРБИЯДАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Нематова Р.Р.**

*БухДУ, Бухоро, Ўзбекистон*

Шахс кадр-қиммати ва эркинлиги, ижтимоий адолат барқарорлик Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришларнинг бош мақсади эканлиги, инсонпарварлик - инсоний муносабатларнинг, инсон ва жамиятнинг маънавий асоси эканлигини ёш авлод онига сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Ўзбекистонда маънавий янгиланишлар ва уларнинг асосий масалалари, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти, кишилар ўртасида ва жамият билан ўзаро муносабатларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, шахс хусусий маданиятининг қарор топиши, жамиятнинг оламшумул муаммолари ва келажаги кабилар маънавий –ахлоқий муаммо нуқстан-назаридан таҳлил этилиши ва ўқувчи ёшлар онига етказилиши зарур.

Буюк бобомиз Халрат Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортик бўлса ҳам қам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақ қилсанг арзийди. Инсон дунёнинг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган - биринчиси ой деб бил, иккинчисини кўш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чинган чинқдан ташқарига бир қадам ҳам босма.

Шунингдек, буюк жамиятшунос олим А.Н. Форобий бу масалага давлат сийсати даражасида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Форобий ёшлар тарбиясига, уларни яхши фазилат эгаси ахлоқи пок кишилар бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратди. Олим бу вазифаларни таълим-тарбия тизими орқали амалга оширишни уқтирди. «Инсон табиатан «фозил» ёки «жоҳил» бўлиб тугилмайди». Ундаги салбий ёки ижобий жиҳатлар тарбия ва ташқи муҳит таъсирида кейинчалик шаклланади. «Шу сабабли тарбиячининг вазифаси одамларга яхши хислат ва фазилатларни шакллантиришдир», -дейди аллома. Шунинг учун ёшлар тарбиясига улар тугилган пайдан бошлаб алоҳида эътиборни қаратиш

**«Педагогические и психологические особенности развития,  
формирования и становления личности врача»**

зарур. Болаларга таълим ва тарбия бериш эса энг аввало оиладан бошланади. Кейин эса боғчада, маҳаллада, мактабда ва бошқа социал институтларда улардаги сифат- фазилатлар шаклланади. Болаларни келажакда қандай шахс бўлиб етишиши айнан мана шу соҳаларга боғлиқ. Zero, Ўзбекистонда мустақилликни ҳимоя қила оладиган, ҳар қандай ақидапарастиликка, сиёсий-иқтисодий ҳамда маънавий қолоқликка ва қарамликка қарши кураша оладиган замонавий билим ва саводхонликка эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб муаммосидир. Миллатнинг тараққиёти ва тақдирин ҳам айнан мана шу масала билан боғлиқ. Президентимиз ҳам қатъий таъкидлаб шундай дейди - «Келажак бутундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилмайди. Тарбиядан ҳеч нарсага аямаслигимиз лозим. Таълим-тарбия масаласи ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. «Маънавий ва ахлоқий поклашни, иймон, инсоф, диният, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чиниқкам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг заминида тарбия ётади». Форобий бундан 12 аср илгаридек таълим-тарбия масаласининг нақадар долзарблигини таъкидлаган эди. «Тарбия,-деган эди донишманд, бу – кишиларга билим бериш йўли билан, уларни ақлли, маданиятли ва ахлоқли қилиш воситасидир». Донишманднинг фикрича таълим-тарбия икки нарсага ўз ичига олади: Булардан биринчиси: болаларга фан асосларини, яъни назарий билимларини бериш; иккинчиси: эса тарбия яъни ёшларга касб ҳунар ўргатиш, бунинг учун уларда ҳулқ-одеб нормаларини шакллантириш ва амалий малакаларини ўргатишдир. «Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракатга, касб-ҳунарга берилган бўлишидир»-дейди аллома.

Мутафаккир инсонни ва инсоният жамиятини ҳар томонлама етук, мукаммал қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбия усулларининг ва воситаларининг ҳамма формаларидан фойдаланиш лозимлигини маслаҳат беради. Шунинг учун у таълим билан тарбия ўртасидаги тафовутни яхши тушунтиради. У таълим-тарбия бериш усулларини ҳам иккига ажратади. Биринчи усул-тарбияланувчининг характери хоҳиш натижаларига, руҳий майлларига қараб таълим-тарбия бериш ёки аста-секин тушунтириш, аниқлаш орқали олиб борилади. Иккинчи усул эса - мажбур этиш, чора кўриш, мўлжалланган мақсадга бўйсунидирини ва унга йўналтириш йўли билан олиб борилади. Ҳар иккала усул ҳам баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришни назарда тутаяди. Бундан ташқари Форобий ўқитувчи билан ўқувчи яъни устоз-шогирд ўртасидаги инсоний муносабатларга ҳам эътиборни қаратади.

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР АҚЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ МАКТАБ  
ТАЪЛИМИГА МУТАНОСИБЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**Нематова Р.Р., Ҳамроев Ж.У.**  
*БухДУ, Бухоро, Ўзбекистон*

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида қатор ислохотлар ўтказилмоқда, уларнинг барчаси болалар ва педагоглар манфаатлари йўлида хизмат қилишга, шунингдек, мактабгача таълим сифатини яхшилашга қаратилган. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиш ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний кадриятларга, мустақаллик гоёларига содиқ ҳолда вояга етиб боришнинг таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Таълим-тарбия жарағини якунида мустақил фикрлайдиган, эрсин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгилади. Бу услуқсиз таълим тизимининг илк тури – мактабгача таълимга ўзига хос ёндошуви талаб этади.

Маълумки, ақл кенг маънода сезини ва идрок этишдан бонслаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган билиш жараёслари йиғиндисидир. Ақлий фаолият диққатининг ҳар доим